

ТОШКЕНТ ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГИЗОВТАСИ / № 183 (10.488) / 2005 ЙИЛ 15 СЕНТЯБРЬ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ 2005 ЙИЛНИНГ 1 ОКТЯБРИДАН БОШЛАБ ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2005 йилнинг 1 октябридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлири талабаларининг, ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртлири ўқувчиларининг стипендиялари ўрта ҳисобда 1,2 баравар оширилсин.

2. 2005 йилнинг 1 октябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам: иш ҳақи - ойига 9400 сўм; ёшга доир пенсиялар - ойига 18605 сўм; ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд - ойига 9400 сўм; болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа - ойига 18605 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган ҳекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 11270 сўм миқдорига белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшилаётган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2005 йилнинг 1 октябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурдаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Ҳужалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2005 йилнинг 1 октябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи мувофиқ ишлаб чиқариш самарадорлиги оширилган ва меҳнат сарфи камайtirилган тақдирда иш ҳақи миқдорини оширсин.


7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 13 апрелдаги ПФ-3596-сон Фармони (4-банди истисно қилинган ҳолда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармон матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 14 сентябрь.



«Тошкент ёғ-мой комбинати» акциядорлик жамияти қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган сифатли ёғ маҳсулотларига бугунги кунда талаб анча юқори. СУРАТДА: корхона раҳбари ўринбосари Фуркат Мақсудхўжаев ва тажрибали уста Салоҳиддин Набиевлар.

Наталья Семёнова олган сурат.

МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Корея Республикасининг Ўзбекистондаги дипломатик миссияси, мамлакатимиздаги корейс диаспораси ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Корея — Ўзбекистон» дўстлик ассоциацияси раиси Ким Юн Сикни «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш ҳақида»ги Фармони ўқиб эшиттирилгандан сўнг унга мазкур юксак ҳукумат мукофоти топширилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги барча, шу жумладан, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва гуманитар соҳалардаги фаол шериклик алоқалари изчиллик билан ривожланмоқда. Корея Ўзбекистон иқтисодиётига энг йирик сармоя киритганлардан бири ҳисобланади. Утган йилги товар айирбошлаш ҳажми 41 фоизга ошди ва у 409 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Шу йил Президент Но Му Хённинг мамлакатимизга бўлиб ўтган давлат ташрифи доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустақамловчи барча соҳалардаги бир қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Мукофотни топшириш маросимида «Корея — Ўзбекистон» дўстлик ас-

социацияси ўзининг 12 йиллик фаолияти доирасида икки мамлакат халқлари ўртасидаги кўп қиррали алоқалар ривожига муҳим роль ўйнагани таъкидланди.

Маросимда сўзга чиққан Ким Юн Сик билдирган юксак ишонч унун Президент Ислам Каримов ва барча ўзбек халқига «чуқур миннатдорчилик изҳор этди. Мазкур мукофот икки давлат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада мустақамлаш йўлида унга катта масъулият юклаганини билдирди.

Мукофотни топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Иқболжон СОЛИЕВ,
«Жаҳон» АА.**

ПОЙТАХТНИНГ Бир кўни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА

● **КЕЧА** Республика ўқувчилар техник ижодиёт марказида очик эшиклар кўни бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Тошкент шаҳар Инки ишлар бош бошқармасининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ҳамда Қизил Ярим Ой жамияти билан ҳамкорликда мактаб ва бошқа

ёшдаги болалар ўртасида йўл ҳаракати хавфсизлигига бағишланган тадбир уюштирилди.

● **КЕЧА** Санъат музейида «Шарк шеърляти» мавзусида очилган кўргазмада Урол Тансиқбоев ҳамда бошқа муассавирларнинг асарлари намойиш этилмоқда.

● **АЛГОРИТМ** очик акциядорлик жамиятида «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг моҳияти» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Обуна — 2006

«ОҚШОМ» ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ, ДИЛКАШ СУҲБАТДОШИНГИЗ

Азиз оқшомхон! Шу кунларда мамлакатимизнинг барча алоқа бўлимида газета ва журналларга обуна ишлари давом этмоқда. Жумладан, Сиз севиб мутолаа қиладиган «Тошкент оқшоми» газетасига ҳам 2006 йил учун обунани расмийлаштиришингиз мумкин.

Албатта, қарс икки қўлдан чиқади. Қайсики, нашр мазмундор ва қизиқарли мақолалар билан ўқувчига манзур бўлса, унинг муштарифлари ҳам ўз-ўзидан ортиб боради. Мана шу ниятда барча на-

шрлар қатори бизнинг «Оқшом» таҳририяти аъзолари ҳам ўз ихлосмандларининг таклиф ва истақларидан келиб чиқиб, келгуси йилда газетани янада ўқимишлироқ қилиш мақсадида бир қатор режаларни белгилаб қўйди. «Оқшом» газеталари 2006 йилдан бошлаб янги-янги рунлар остида ранг-баранг мавзудаги мақолаларни ўз саҳифаларида ёритиб боради. Шундай экан, Сизга ҳар доим энг яқин ҳамдам, ҳамфикр ва маслаҳатдўст бўлиб келган сеvimли нашрингизга обуна бўлишга ш-



шилинг. Шундагина янги йилнинг биринчи кунидан бошлаб «Оқшом» хонадонингизга ўзи кириб боради. Бизнинг нашр курсатқимиз — 563. Йиллик нашр баҳоси 30.780 сўм қилиб белгиланган.

XVI саҳоси

Барча мамбалардан олинган сўқти хабарлар

Мамлакатимизда

● Бухоро вилояти хотин-қизлар кўмитаси, маданият ва спорт ишлари бошқармаси ва «Камолот» ЕИХ вилоят бўлими ташаббуси билан кутубхона ходимлари ўртасида «Аёл маънавияти» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

● Қарши туманида мудофаа ишлари бўйича Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий ҳамда Бухоро вилоят бошқармалари ва туман бўлимлари бошлиқларининг икки кулик ўқув-амалий машғулотлари ўтказилди.

● Хоразм вилоятининг Янгибозор туманида қурилиши тўхтаб қолган марказий шифохонани тиклаш ишига туман ахли, ҳомийларнинг бош қўшиши натижасида ҳозирда янги замонавий 220 ўринли шифо маскани қад ростлади. У 25 миллион 150 минг сўмлик тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

● Бахт пахта тозалаш акциядорлик жамиятида пахта йғим-теримига пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Жамият 42366 тонна пахтани қабул қилиб олиш бўйича мингдан зиёд фермер хўжалиги билан контрактация шартномаси тузди.

● Учқудуқ туманидаги «Олтинтов» ширкат хўжалигида асосан ҳашар йўли билан янги қишлоқ врачлик пункти бунёд этилди. Қурилиш-монтаж ишларига ширкат хўжалиги ҳомийлик қилди.

Жаҳонда

● АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида БМТ Бош ассамблеясининг 60-сессияси бошланди. Унда 170дан ортик мамлакатнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этмоқда. Саммитнинг биринчи кунинда террорчиликка қарши кураш масалаларини ўз ичига олган халқаро конвенция имзоланди.

● Украина Президенти Виктор Юшенко, Олий Рада раиси Владимир Литвин, бош вазир вазифасини бажарувчи Юрий Ехануров ҳамда парламент фракциялари етакчилари «Украина келажаги учун бирлашиш ва ҳамкорлик қилиш Декларацияси»ни имзолашди.

● Бағдоднинг асосан шиа-лар яшайдиган Қозимия районида кучли портлаш рўй берди. Дастлабки маълумотларга кўра, террорчи камикадзе портловчи моддаларга тўлик автотомобилни навбатда турган ишчиларга қарата йўналтирилганлиги натижасида юзга яқин киши ҳаётдан қўз юмган.

● Японияда жаҳондаги энг тез юрувчи поезд синовдан ўтказилди. Мазкур поезд унинг лойиҳачиларининг сўзларига қараганда, соатига 405 километргача тезликда ҳаракатланиши имконига эга.

Кичик ва хусусий бизнес

ЯНГИ ЛИНИЯ КЕЛТИРИЛАДИ

Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг бозор иқтисодиёти шароитида харидорнинг бўлишининг асосий омил унинг сифатида ва чиройли кўринишида. Буни бугунги изланаётган, бозорда ўз макеига эга бўлишга интилаётган тадбиркорларимиз жуда яхши билишади.

Мустақиллик берган имконият фаолият бошлашга, маҳсулот ишлаб чиқариши йўлга қўйишга даъват этган бўлса, ўтган ўн йиллик мuddат эса "Эътикод" хусусий фирмаси тадбиркорлари учун катта тажриба мактаби

нинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши, уларнинг ҳуқуқий ҳимояси мавжудлиги ютуқларимизга, янгилик яратишимизга, ривожланишимизга муҳим омил бўлмоқда. Ана шунинг учун ҳам 3-4 киши фаолият кўрсатувчи кичик цех очиб, оддий стол ва стуллар ишлаб чиқаришдан бошлаган фаолиятимиз кенгайиб, бугунги кунда Италиядан келтирилган замонавий дастоҳлар билан жиҳозланган корхонага айланди.

Чиндан ҳам "Эътикод"нинг ҳозирда ички бозорда ўз макеи ва ўрни бор, харидорларни бисёр. Қўшни давлатлардан тушаётган буюртмалар эса маҳсулот экспортини йўлга қўйишга ундамоқда. Айни пайтда мебель маҳсулотларининг дизайни ва рақобатбардошлигига қаратилган эътибор муваффақиятларга гаров бўлмоқда.

Биргина стол-стулнинг ўнлаб турлари, юмшоқ мебеллар, газета-журналлар столлари, камодлар, турфа дизайндаги илгичлар — уларнинг 40 дан зиёд тур ва хиллари мавжуд. Буларнинг барчаси чет эл каталогларидан самарали фойдаланиш, харидор дид ва эҳтиёждан келиб чиқиб изланиш самарасидир. Корхонанинг кичикина кўрғазмалар залида эса барча маҳсулот турларини учратасиз. Ушбу мебеллар маҳаллий хом ашёдан тайёрланган хилма хил идора ва офислар учун мўлжалланган




бўлди. Мана шу давр мобайнида "Эътикод"да тайёрланган мебель маҳсулотларининг нафақат тури, балки сифати ҳам ошди, шунинг баробарида харидорлари сафи кўпайди, буюртмачилар кун сайин ортаверди. Бу эса уларни янада изланишга, рақобатда янада кучлироқ бўлишга ундади.

— Аввало муваффақиятларимизнинг асосий боиси изланиш, бозор талаблари асосида иш юритиш бўлса, — дейди корхона раҳбари, тажрибали тадбиркор Абдуғани Қосимов, — шунинг баробарида юртимизда тадбиркорлар-

қобатбардошлигига қаратилган эътибор муваффақиятларга гаров бўлмоқда.

Биргина стол-стулнинг ўнлаб турлари, юмшоқ мебеллар, газета-журналлар столлари, камодлар, турфа дизайндаги илгичлар — уларнинг 40 дан зиёд тур ва хиллари мавжуд. Буларнинг барчаси чет эл каталогларидан самарали фойдаланиш, харидор дид ва эҳтиёждан келиб чиқиб изланиш самарасидир. Корхонанинг кичикина кўрғазмалар залида эса барча маҳсулот турларини учратасиз. Ушбу мебеллар маҳаллий хом ашёдан тайёрланган хилма хил идора ва офислар учун мўлжалланган



маҳсулотлардир. Шуниси қувонарлики, келгуси йилдан бошлаб маҳсулотлар турларини кўпайтириб, сифатини оширишга эътибор қаратилмоқдаки, бунинг учун корхона цехларига Чехиядан лизинг асосида юксак унумли линиялар келтириб ўрнатилди.

Бир неча йиллар ичида ўз маблаглари ҳисобига тикланган офис ва замонавий савдо мажмуаси ҳам яқин кунларда иш бошлайди. Буларнинг барчаси эса имкониятдан оқилона фойдаланган, тадбиркорлик билан иш юритаётган, "Ташаббус" кўрик-танловининг туман, шаҳар босқичларида бир неча бор ғолиб бўлиб "Энг яхши тадбиркор" номига сазовор бўлган ишбилармон раҳбар Абдуғани Қосимов ва у ташкил этган жамоанинг ғайрати ва ҳамжихатлиги самарасидир.

Шарифа ИЛISOVA
СУРАТЛАРДА: ушбу маҳсулотлар "Эътикод"да тайёрланган; корхона илғори Зухриддин Мухиддинов сифатга эътибор қаратади.

Ҳакимжон Солиҳов
олган суратлар.

Бу йил Тошкент Ахборот технологиялари университетини талайгина бакалавр муваффақиятли тугатди. Уларнинг кўпчилиги компьютер мутахассислиги бўйича магистратурада ўқишга тавсия этилди.

Ҳамкорлик

ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА ЎҚИШАДИ

Бундай иқтидорли ёшлардан 10 нафарга яқинига эса Жанубий Кореяга бориш учун йўлланма берилди. Улар янги ўқув йилини бу мамлакатдаги Янгонг университетиде ўқишни давом эттириб, замонавий алоқа ва ахборот технологиялари мутахассислигини пухта эгаллайдилар.

Олий ўқув юртининг бир гуруҳ ўқитувчи ва аспиранти эса ўтган ўқув йилида Жанубий Корея илмий марказларида ўз малакаларини оширишган эди.

Анвар ВАЛИЕВ

МАКТАБЛАРДА ЯНГИ ДАСТУРЛАРНИНГ ТАТБИҒИ

Бошланган янги ўқув йилида умумий ўрта таълим муассасаларида бир қатор янгиликларни синаб кўриш режалаштирилган. Тошкент шаҳридаги 328-мактабда ўтказилган илмий-услубий семинар ҳам модернизация қилинган ўқув дастурлари, фанларни чуқурлаштириб ўқитиш дастурлари, кўп балли рейтинг тизими кабиларни 2005-2006 ўқув йилида тадбиқ этиш масалаларига бағишланди.

Республикамиздаги умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг таълим олиши ва ҳар бир фанни чуқур ўзлаштиришларига кўмаклашиш қолаверса, тақомиллаштирилган давлат таълим стандартлари ва модернизация қилинган ўқув дастурларини амалиётда синаб кўриш мақсадида 2004-2005 ўқув йилида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардаги 29та мактабларда тажриба-синов ўтказилди.

Мақсур тажриба-синовнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у болаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ўзлаштиришлари ҳамда билим самарадорлигининг ошишига ёрдам берди. Давлат таълим стандартларини болалар ёши ва уларнинг психофизиологик ривожланишига нисбатан қайта кўриб чиқилганлиги, ўқувчиларда фанларга бўлган қизиқишни орттиришга хиз-

мат қилмоқда. 1998-99 ўқув йилида ҳам мана шундай дастурлар айрим мактабларда тажриба синов тариқасида ўтказилган эди.

Бу галги янги синов дастурларида ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ҳар жиҳатда эътиборга олинганлиги билан алоҳида эътиборга молик. Берилган мавзуларнинг аксарияти ўқувчиларни ижодий ишлашга ундайди. Ҳар бир мавзунинг ўзлаштиришда ўқувчининг ўзи изланиши, фикр юритиши, мангикий хулоса чиқариши асос қилиб олинган. Бўлиб ўтган семинарда 2005-2006 ўқув йилида тажриба-синов ишларини тўғри ташкил қилиш ва самарадорлигини таъминлаш масаласи атрофида муҳокама қилинди. Эндиликда мамлакатимиздаги 45та мактабда 53та фандан тажриба синовни ўтказилдиган бўлди.

"Туркистон-пресс"

"Қамолот"

АЪЗОЛИККА ҚАБУЛ КИЛИНДИ

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Ҳамза тумани бўлими Кенгаши томонидан «Авиасозлар» маданият саройида «Қамалак» болалар ташиқотида аъзоликка қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

Маълумки, «Қамалак» ташиқоти ёш авлодни Ватанга муҳаббат, Истиқлол ғояларига садоқат, юксак маънавият руҳида тарбиялаш, иқтидорли болаларни излаб топиш, 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларни бирлаштириш мақсадида ташкил этилган бўлиб, ушбу тадбирда умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган 2-синфнинг аълочи, ташаббускор ва етакчи ўқувчилари «Қамалак» аъзолигига қабул қилинди.

Тадбирда Ҳамза туманида жойлашган 28 та мактабнинг 100 нафар ўқувчилари иштирок этишиб, уларнинг ҳар бирига махсус нишонлар топширилди.

Шунингдек, тадбирни ўзгача кўтаринки руҳда ўтказиш мақсадида тумандаги «Замондош» маданият уйининг хонандалари ўзларининг дилортар куй-қўшиқлари, ҳарбий спорт мактаби тарбияланувчилари ажойиб акробатик чиқишлари ҳамда «Степ» гуруҳи ўзларининг саҳна томошалари билан йиғилганларни хушнуд этишди.

ҲАР БИР МАҲАЛЛАДА ЎТҚАЗИЛАДИ

«Маънавият ва маърифат» марказининг Чилонзор тумани бўлими, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими Кенгаши ҳамда «Маҳалла умидлари» маркази ташаббуси билан Лутфий маҳалласида қизқарли тадбир бўлиб ўтди.

«Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайд» шиори остида ўтказилган ушбу тадбирда маҳалла фахрийлари, ўқувчи-ёшлар ҳамда фаоллар иштирок этишди.

— Ушбу тадбирдан қўзланган асосий мақсадимиз ёшларимиз онгига ватанпарварлик туйғуларини синдириш, уларни юрт равнақи йўлида меҳнат қилишга ундаш ҳамда Ватан учун қомил фарзандлар бўлиб вояга етишларида ўқиб, илм олишнинг аҳамияти нечоғлик катта эканлигини уларга англатишдан иборатдир, — дейди туман «Маҳалла умидлари» маркази раҳбари Муяссар Юсупова. — Эндиликда бундай тадбирларни туманимизнинг ҳар бир маҳалласида ўтказишни режалаштирганмиз.

Озода РАҲМАТОВА

Иқтисодиёт

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

«Норуда» акциядорлик жамиятида олиб борилаётган техник тадбирлар, яъни цехлардаги мавжуд дастгоҳ ва ускуналарни қайта таъмирлаш, хориждан янги турдаги замонавий линия ҳамда техника воситаларининг келтирилиши ишлаб чиқариш қуввати ва маҳсулот сифатида ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Албатта, корхона ишчи-хизматчиларининг ғайрати билан тайёрланаётган 12 турдаги тош ва қум маҳсулотлари бунёдкорлар учун қурилиш объектларида ниҳоятда қўл келмоқда. Энг муҳими эса улар бугунги кун андозаларига жавоб бериб, ўз сертификатига эгалиги билан ажралиб туради.

Корхонада 370 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилиб, уларнинг юртимиздаги бунёдкорлик ишларида муносиб ҳиссаси бор. Моддий ва маънавий манфаатдорлик, яратилган меҳнат ва дам олиш шaroитлари корхона ютуғини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, хорижий ҳамкорлар билан ишлаш ҳам маҳсулот сифати ва ишлаб чиқариш ҳажмининг орттиришида самара бермоқда. Шу боис ҳам яқинда корхонага «Титан» тош майдалагич ускунаси ҳам «Либихер» экскаватори келтирилди. Ана шундай замонавий ускуна ва техникалардан яна бир нечасини келтириш кўзда тутилган. Улар меҳнат унумдорлигининг орттиришида, буюртмаларнинг тез ва соз бажарилишида катта ҳисса қўшади.

ХОРИЖНИКИДАН АСЛО ҚОЛИШМАЙДИ

Болажонингизга харид қилган либосингиз унга ярашса, турган гапни кўнглингиз яйраб кетади. Агар ўша либос сифатли ҳам бўлса, нур устига аъло нурдир.

Ана шуни назарда тутган «Шафак-текстиль» Узбекистон — Туркия қўшма корхонаси чеварлари ички бозорни ҳам сифатли, ҳам чиройли болалар кийимлари билан таъминлаш мақсад қилиб фаолият бошлаган. Корхонада Туркиядан келтирилган юксак унумли бичиш ва тикиш ускуналаридан фойдаланиб 70 га яқин моделдаги чақалоқлар ва кичик болажонлар учун кийим-кечаклар тайёрланмоқда. 100 фоз пахтадан тикилаётган ушбу маҳсулотлар ҳам чиройли, ҳам бежирим, ҳам сифатли бўлиб, ювганингизда бўёғи ўчмайди.

— Маҳсулотларимиз пойтахтимиздаги 100 дан зиёд савдо шохобчаларида сотилмоқда, — дейди корхона директори Рокия Хабиалиева. — Шунингдек, корхонамиз қошида фирма дўконимиз ҳам ишлаб турибди. Хозирда 3 ёшгача бўлган кичкинтойларга кийим-кечаклар тайёрлаётган бўлсак, келгусида 8 ёшгача бўлган ўғил-қизлар либосини ҳам тикиш ниятимиз бор. Ички бозорни хорижикидан қолишмайдиган болалар маҳсулоти билан таъминлаш баробарида тез орада уларни Россия ҳамда Германия давлатларига экспорт қиламиз.

Шарофат БАҲРОМОВА

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда жазо тизимини либераллаштириш билан боғлиқ бир нечта муҳим қадамлар қўйилди. Хусусан, «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунга

қўяётган талабларга ғоятда мос. Зеро, жамият ва давлат ҳаётини янада янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш, суд-хуқуқ тизимини либераллаштириш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар ўлим жазоси бекор қилинишини, бу жазони умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилиши зарурлигини таъқозо этаётди. Фармонда белгиланганидек, мамла-

эрки ва ҳақ-хуқуқларининг кафолати учун амалга оширилаётганининг яққол далилидир.

Хуқуқий ислохотларнинг янги босқичида ташланган энг муҳим қадамлардан яна бири, бу — «Қамоққа олишга санкция бериш хуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Президент Фармони.

Маълумки, ҳозирги пайтда қамоққа олишга санкцияни прокурор ҳал қилади. Бу эса айблов ва химоя ўртасидаги тортишувнинг юзага келишига тўқсинлик қилади. Санкция бериш хуқуқи судларга ўтгандан кейин эса айблов ва химоя институтлари эркин ҳаракат қилади, яъни улар ўз фикрларини, далилларини олдиндан суриб тортишадиган муҳит юзага келади. Ана шу мисолнинг ўзидек мазкур Фармоннинг ҳокимият тармоғида суднинг мустақиллигини мустаҳкамлашга, одил судлов жараёнида тортишув тамойилини кенгайтиришга, пировард натижада инсон хуқуқларининг тўла таъминланишига хизмат қилишини яққол исботлайди.

«Қамоққа олишга санкция бериш хуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Президент Фармонида таъкидланганидек, суд-хуқуқ тизимини янада либераллаштиришнинг энг муҳим вазифаси судга бўлган тергов босқичида фуқароларнинг конституций хуқуқларини самарали химоя қилиш бўйича суд ваколатларини кенгайтиришдан иборатдир. Бу эса инсон хуқуқларининг химоясига қаратилган хуқуқий ислохотларнинг ўзак масалаларидан бири ҳисобланади.

Президентимизнинг бу икки Фармони мамлакатимизда хуқуқий ислохотлар ўзининг янги босқичга кирганини кўрсатади. Янги босқичда амалга оширилаётган вазифалар эса демократик фуқаролик жамияти сари ташлаётган қадамимизнинг самараси нечоғлик умидли ва баркамол эканидан далолатдир.

Ёкутхон КОДИРОВА,
Жаноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судьяси

Фуқаролик жамияти сари

ХУҚУҚИЙ ИСЛОХОТЛАР — ЯНГИ БОСҚИЧДА

Истиклол йилларида бошқа соҳалар қатори мамлакатимизнинг суд-хуқуқ тизимида ҳам босқичма-босқич равишда ислохотлар ўтказилмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан ақинда имзоланган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида» ва «Қамоққа олишга санкция бериш хуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонлар ҳам ана шу ислохотларнинг мантикий давомидир. Мазкур Фармонлар юртимизда инсон хуқуқи ва манфаатлари ҳамма нарсадан устунлигини яна бир бор намоён этади.

катимизда жиноий жазо тури сифатида ўлим жазоси 2008 йил 1 январдан эътиборан бекор қилинади ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси жорий этилади. Мана шу фурсатга амалга оширилиши лозим бўлган ишлар талайгина. Умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганларни сақлаш учун ихтисослаштирилган иншоотларни қуришдан тортиб, ушбу муассасаларни молиялаштириш тартибини ишлаб чиқиш, кадрлар тайёрлашга бўлган бarchа тадбирлар ана шу вазифалар сирасига қиради.

Инсоннинг яшаш хуқуқи эътироф этилган халқаро хуқуқнинг асосий принципларига мос, Ўзбекистон Конституцияси қонунларига ҳамоҳанг бўлган Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар инсон учун, унинг

Жиноий жазоларни либераллаштириш жараёнида ўлим жазосини қўллашни босқичма-босқич камайтириб боришга эътибор қаратилгани хуқуқий ислохотларнинг янги босқичига ўтишдаги энг муҳим йўналиш бўлди. Истиклолнинг илк даврида қонун ҳужжатларининг ўттизта моддасида ўлим жазоси белгиланган бўлиб эди. Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармонида таъкидланганидек, «Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилги Жиноят кодексига бундай моддалар сони 13, 1998 йилда 8, 2001 йилда эса 4 тагача камайтирилди. Ҳозирги вақтда, 2003 йилда жиноят қонунчилигини либераллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилгандан сўнг, фақат икки турдаги жиноят — жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятларини содир этгани учун ўлим жазоси назарда тутилади».

Ўзида инсонпарварлик ва одиллик тамойилларини тўлиқ ифодалаган мазкур Фармон мамлакат тараққиёти олдимизга

ҲАМЖИХАТЛИК — ОСОЙИШТАЛИК АСОСИ

Каерда тинчлик, хотиржамлик, баҳамжиҳатлик бўлса, ўша ерда файзу барака бўлади. Одамларимизнинг ана шу ҳикматни дилга жо айлаб яшаш ва ишлаши боис юртимиз обод, тинч ва осуда.

Айни вақтда ички ишлар идоралари ходимлари ва маҳалла фаолларининг шу мақсад йўлидаги мустаҳкам ҳамкорлиги, улар томонидан жиноятчиликка қарши кураш олиб бориш билан бирга, унинг олдини олишга ҳаракат қилинаётгани ҳам бунга замин яратаяпти.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида бу борада амалга оширилаётган ислохотлар бугун ўз самарасини берапти. 2001 йил 6 июнда қабул қилинган «Жиноятчиликка қарши курашда Ички ишлар вазирлиги профилактика хизматининг ролин кучайтириш тўғрисида»ги ҳамда 2002 йил 16 майдаги «Милиция таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги ҳукумат қарорлари маҳаллаларимизда муҳитини соғломлаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур ҳужжатлар асосида милиция таянч пунктлари инфратузилмаси такомиллаштирилгани, яъни, маҳалла оқсоқоли, профилактика нозир ва бошқа фаолларнинг ҳамжиҳатликда фаолият олиб бориши учун шароит яратилгани тўғрисида уларнинг ишида самарадорлик яққол кўзга ташланапти.

Пойтахтимизнинг марказий қисмини ўз ичига олган Шайхонтохур тумани маҳаллалари фаолияти бунга мисол бўла олади. Бугунги кунда туманда элликка яқин маҳалла мавжуд бўлиб, улардаги

милиция таянч пунктлари инфратузилмаси ислохот талаблари даражасида ташкил этилган.

— Ислохотлар бошлангунга қадар туманимизда бу йўналишда бор-йўғи 45 нафар ўқувчи нозир фаолият юртарди, — дейди туман ички ишлар бошқармаси хуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлими бошлиғи Бахтиёр Эгамбердиев. — Ҳозирги кунда профилактика инспекторларимиз сони 125 нафарни ташкил этади, 500 нафарга яқин маҳалла посбонлари эса уларга елкадош бўлиб хизмат қиляпти.

Бугунги кунда улар бевосита истикомат жойларида содир этилиши мумкин бўлган турли хуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, юз берган жиноятларни очиш, шунингдек, аҳоли билан профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширмоқда.

Маҳалла фаоллари — оқсоқол, хотин-қизлар кўмитаси раиси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи ва бошқалар билан ўзаро ҳамкорлик ва аниқ дастурлар асосида фаолият олиб борилаётгани жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқароларимизнинг хавфсизлигини таъминлаш самарадорлиги ошишига хизмат қиляпти.

Хуқуқий демократик жамиятда аҳолининг хуқуқий маданиятини юксалтириш муҳим ўрин тутати. Бу борада туманда ҳар бир ма-



халлада хуқуқий мавзуларда учрашув ва анжуманлар ташкил этиш аънаънага айланган. Бу каби суҳбатларда уларни ташвишга солаётган бошқа муаммоларни ўрганиш ва ҳал этишга ҳаракат қилинапти. Иш билан банд бўлмаган одамларни ишга жойлаштириш, маҳалланинг ўзида иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилаётди. Мамлакатимизда тадбиркорликнинг ривожлантирилаётгани ва ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани бунга пухта замин яратаяпти.

Тумандаги «Жангоҳ» маҳалласида аҳоли учун зарур маиший хизмат турларининг барчаси — тикувчилик, сартарошлик ва таъмир устaxonаларидан тортиб қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларига бунга фаолият қўришапти. Бундан ташқари, саломатлик манбаи — ўнлаб спорт тўрақлари катта-ю

кичикнинг сеvimли маскани. Бундай кенг қамровли ва хайрли ишларнинг йўлга қўйилишида маҳалла профилактика инспекторларининг алоҳида ҳиссаси бор.

Бинобарин, бундай чора-тадбирлар юртимизда жиноятчилик ҳолатлари кескин камайтишида муҳим омил бўлмоқда. Бу йўналишдаги ислохотлар асосан одамлар кўнглига йўл топиш, уларни, айниқса ёшларни меҳнатга жалб этиш, бундан фойдаланиш ва мазмунли ўтказиши учун шароит яратиш орқали муаммоларни ҳал этишга қаратилаётди. Мазкур туманда бу борадаги ишлар талаб даражасида йўлга қўйилгани боис ҳам бугунги кунда пойтахтимизнинг «Шайхонтохур» деб аталган даҳаси осойишта ҳаёт ва улкан бунёдкорлик ишларига бешик бўляпти.

Норгул АБДУРАММОВА,
ЎЗА мухбири

Алоқа

АГЕНТЛИКДА ЯНГИ МАРКАЗ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги хизмат доирасида қатор янги лойиҳаларни яратишга киришди. Электрон рақамли имзони йўлга қўйиш жараёни билан боғлиқ техник тадбирлар ҳам белгиланди.

Ақсарият ҳолатларда электрон рақамли имзо калитлари билан ишлашга тўғри келади. Шу сабабли алоҳида марказ фаолиятини йўлга қўйиш зарурияти туғилди.

Имзо калитларини рўйхатга олиш билан бевосита шуғулланадиган бу марказни юзага келтиришда агентлик республика фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказлари билан ҳамкорликда иш тутаяпти.

ҚУШМА ФАКУЛЬТЕТ

Тошкент Ахборот технологиялари университети олимлари ҳиндистонлик мутахассислар билан ҳам яқин илмий алоқани йўлга қўйиб келишмоқда. Бундай ҳамкорлик ўзининг дастлабки ижобий натижаларини бера бошлади.

Олий ўқув юртида ўзбек-хинд қўшма факультетини очишга киришилганлиги ҳам нур устига аъло нур бўлди. Малякали мутахассис кадрлар тайёрлашда муҳим омил бўлиб хизмат қиладиган бу факультет ўзининг ўқув режаси бўйича ҳам таълимий жараёнларни амалга оширади.

Шу мақсадда ҳамкорликда иккита ўқув режаси лойиҳаси юзага келди.

ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР САРҲИСОБИ

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида алоқа соҳаси корхоналарида қатор ютуқлар қўлга киритилди. Яқинда ана шу натижалар ҳисоб-китоб қилинди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида бўлиб ўтган анжуманда эришилган ютуқлар билан бирга ечимини кутаётган муаммолар ҳақида ҳам гап борди.

«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти, «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси, «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали томонидан амалга оширилган ишларга ҳам баҳо берилди.

Ақбар АЛИЕВ

Мана шу фазилатни Ватанни севиш, униб-ўсган заминни бир умр тавоб (зейрат) қилиб, унга умрининг охиригача содиқ бўлиб қолиш дейилади. Она-юрт туғроғи шу қадар муқаддаски, уни дунёдаги ҳеч нарсага қийёслаб бўлмайди. Ночору, ноиложлик охиригача чора излаб, ўзга юртларга бош олиб кетган юртдошларимиз ўзларига тўқ яшасалар-да, баирбир ўша бойликлардан келган бахту саодатнинг бир чеккаси кемтик эканлигини чуқур ҳис этиб турадилар. Бу ўз она-ватанининг бир сижим туғроғига зорлик, қачон бўлсаям ўзи учирма бўлган хонадонига қайтиб, ўз туғроғига қоришиб кетиши илинжидир. Ватан шу

бўлишни жуда-жуда орзу қиларкан. Зарурат юзасидан бойниқиди ҳам, камбағалликда ҳам, бева-бечораларниқиди ҳам бир-бир ишлаб юрган бола қалбиди нафрату ачинарли ҳисси пайдо бўлибди. Бой хонадонлардаги исрофгарчилик, очкўзлик, пасткашлик нафратини кўзгаси, камбағал-бечорахол кишилар хонадонидидаги гарчи топиш-тутишлари рўзгорнинг атиги бир томонини қопласа ҳам бундаги назди тўқлик, тежамкорлик, етимпарварлик ҳусуслари уларга нисбатан ҳурмат, ачинарли ҳиссиётини кўзгабди. «Нега яхши кишилар ноҷор нотавон яшайди-ю, бировни хўрлайдиган ёмон,

лата билишда гап кўп экан, — дилидан ўтказибди йигит. Хўжайин ҳам отадан бой бўлиб туғилмаган. Бор-йўғи бир хўнар соҳиб экан. Отасидан мерос бўлган шу хўнарини хор қилмасдан, ўзи билганини фарзандларига ва бошқа иштиёқманд кишиларга ўргатиб, устахона очиб, ҳам одамларнинг яхши яшаш-надонидидаги гарчи топиш-тутишлари таъминлабди ҳамда ўзининг давлатини, шўхратини оширибди. Чойхоначи чол айтмоқчики, яхши-ёмонлик бой-камбағалликда эмас, таълим-тарбияда эканлиги ҳақ, рост.

— Нега бунчалик ўйланиб қолдинг? — деб сўрабди бой бир куни устахонага кираркан. Дарҳақиқат, инсоният тарихий тажрибасининг кўрсатишича, бирон-бир жамият маданий-маънавий, маърифий имкониятларини, одамлар онги ва қалбиди маънавий-ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ва мустақамламай туриб ўз истиқболини тасаввур этолмайди. Юксак маданият ва маънавият — маърифат ҳар қандай давлат ва жамият тараққиётининг асосий омилларидан биридир. Шу жиҳатдан олиб қараганда шахримизда халқимиз, айниқса ёшлар маънавияти ва маърифатини юксалтириш борасида «Маънавият ва маърифат» марказининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор бўлмоқда.

— Маънавият деганда аввало кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчаларининг мажмуи тушунилади, — дейди Тошкент шаҳар «Маънавият ва маърифат» марказининг бўлим бошлиғи Наима Файзиева. — Маънавият инсоннинг бутун умри давомида унинг кучига куч қўшишга, ақлдор ва заковати, дунёқарашини кенгайтириб, мустақамлашга хизмат қилади. Шунинг учун маданий-маънавий тараққиёт ва маърифий юксалиш бутун инсоният ҳаётида катта ўрин тутган ва устуворлик қилганидек, мустақил Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли учун ҳам муҳим ҳаётий заруриятдир. Мамлакатимизнинг келажақда буюк давлатга айланиши Юртбошимиз таъкидлаганларидек, тўрт асосий негизга — умминсоний қадриятларга содиқлик, халқимизнинг маънавий меросини ўрганиш ва ривожлантиришга, инсоннинг ўз имкониятларини эркин намойиш қилишига ҳамда ватанпарварликка асосланади. Буюк алломаларимиз ҳам ўзлари яшаган даврлардаги жамият тараққиётини юксалтириш учун маданий-маънавий омилларга алоҳида эътибор қаратганлар. Жумладан, кишиларни ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, миллатпарварлик, дўстлик, биродарлик, ҳалоллик, меҳр-мурувват руҳида тарбиялашга, уларда миллий ифтихор, бурч ва масъулият туйғусини кучайтиришга ҳаракат қилганлар. Шу боис марказимиз томонидан биз ҳам аждодларимиз аъналарини давом эттирган ҳолда халқимиз орасида маънавий-маърифий ишларни самарали олиб боришга ҳаракат қилмоқдамиз. Жумладан «Маънавият ва маърифат» марказининг шаҳар ва туман бўлимлари, «Маҳалла» жа-

мғармаси, «Камолот» ЕИҲ билан ҳамкорликда маҳаллалар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлири, мактаблар, қорхона ва ташкилотларда «Соғлом халқ, соғлом миллат» тарғиб этиш мақсадида турли хил мавзудаги тадбирлар ўтказилиб, уларда жами 148800 га яқин аҳоли иштирок этди. Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб туман маҳаллаларида ўтказилган тадбирларда ҳам жами 8500 га яқин аҳоли иштирок этди. Мазкур тадбирларни ўтказишдан мақсад, ёшларни аждодларимиз ўтмишига ҳурмат руҳида тарбиялаш, уруш қатнашчиларини давра суҳбатларига таклиф этиб, улардан ўтмиш ва бугунги кунни бир-бирига тақослаш, бугунги фаровон турмушимиз, мустақиллигимизнинг буюк неъмат эканлигини тушунтиришдан иборат. «Миллий истиқлол ғояси: назария ва амалиёт» мавзусидаги доимий семинарлар, «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш мақсадида маҳаллаларда, қорхона ва ташкилотларда ўтказилган тадбирларда кўплаб аҳоли иштирок этди. Бундан ташқари «Воизлар» кўрик-танловининг туман ва шаҳар босқичлари муваффақият

билан ўтказилди. «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда», «Ватан озодлиғи-олий саодат», «Ислому ва ҳозирги замон», «Ислому ва ёшлар» сингари мавзулардаги урчушув ва давра суҳбатлари, Семинарлар олий ўқув юртлирида, маҳаллаларда, мактабларда ўтказилди. «Терроризм ва унга қарши кураш», «Ватанни ҳимоя қилиш — барчамизнинг бурчимиз», «Огоҳлик-давр талаби», «Тўй ва маъракаларимиз меъёрида бўлсин» сингари мавзуларда ўтказилган тадбирлар ҳам савол-жавоб ва баҳс-мунозаралар остида ўтди. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, марказимиз томонидан ёшлар орасида ижтимоий фаолликни ошириш, уларни мамлакатимиз сиёсий-иқтисодий ҳаётида муносиб ўрин эгаллашга тайёрлаб бориш мақсадида иккиторидаги талабалар билан ўтказилаётган давра суҳбатлари ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлаётди. Жумладан кунни кеча «Ёшлар ва демократия» мавзусида бўлиб ўтган семинарда ҳам ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан керакли жавоб олдилар. Албатта бу каби тадбирлар ёшларнинг ҳар томонлама комил инсон бўлиб етишиши, Миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбияланишларида муҳим омил бўлмоқда.

Дилором ИКРОМОВА

Мазкур китобда Тошкентнинг илк тарихи, барпо бўлиши, Темириўлар ҳукмронлигидаги, Кўкун хонлиги таркибидаги даврлари, чоризм исқанжасида бўлган даври ва XX асрдаги тарихи баён этилган. Шунингдек, Тошкент даҳалари, мавзелири, маҳаллалари, атамалари, кўча номлари, этимологиясининг қисқача тавсифи келтирилган. Китобда шунингдек, пойтахтимиздаги халқ амалий санъати, хўнармандчилиги, урф-одатлари тўғрисида сўз боради. Шаҳримиз меҳмонлари ундан пойтахтнинг эски ва янги ҳариталарини, меҳмонхоналар, тамаддиҳоналар, музейлар, кино-театрларнинг манзилларини, Тошкентдан бошқа тарихий шаҳарларга бориш йўлларини ва бу шаҳарлар ҳақидаги маълумотларни билиб олишлари мумкин. Китоб қадимий Тошкентнинг бетакор тарихий ва замонавий фотосуратлари билан безатилган.

Мустақиллик йилларида пойтахтимиз Тошкент ўзгача қиёфа касб этди, дунёнинг Рим, Париж, Вашингтон, Токио сингари шаҳарлари билан бўйлаша оладиган замонавий шаҳарга айланди. Айни пайтда, бир неча минг йиллик тарихга эга шаҳарнинг ўзига хослиги ҳам сақланиб турибди.

ВАТАН — ЭНГ АЗИЗ ВА МЎЪТАБАР ХИЛҚАТ

Ота-боболардан қолган аъналардан бири — ўзи туғилиб ўсган Ватанига, хонадонига, эл-улусига чексиз иззату эҳтиромдир. «Ўзга юртининг султони бўлгандан кўра, ўз юртининг гадоси бўл» деган гаплар ҳам ўша донолардан қолган. Аждодларимиз ўз эл-юртларининг чинакам фидойилари, ўз ватандошларининг муҳибу меҳрибонлари бўлганлар.

қадар азиз, шу қадар мўътабарки, ундан бир қадим йироқ кетган киши буни яхши билди. Ярим жаҳонни забт этиб, буюк империяни вужудга келтирган, шохлик салтанатида нашуъу намо қилган Заҳриддин Муҳаммад Бобур она юрти Андижонни лоқал бир бор кўриш орзусида ҳасрат-надоматлар чекиб, оламдан кўз юмган бўлса, Хўқанди латифининг беназир шоири Фурқат юртдан йироқ яшаш азобини шундай таърифлайди:

Фигонким, гардиши даврон, айирди шаҳ суворимдин, Гамим кўп, эй кўнгил, сен беҳабарсан оху зоримдан, Ватанин севишининг асосини меҳнат ва яна меҳнат, сидқидил ҳаракат ташкил қиладики, буни бир лаҳза бўлса-да диққат-эътибордан қочириб бўлмайди. Ёшлар мукамал илм ўрганиш билангина кифояланиб қолмай, хўнар соҳиб бўлишга ҳам интиломликларни, хорижий мамлакатларга бориб, ўз хўнару санъатларини намойиш эта олиш, уларнинг тилларини (лоқал бир-иккитасини бўлса ҳам) ўрганиб, ўзаро, бемалол муносабат ўрнатиш қобилиятига ҳам эга бўлишлари лозим.

Ватанимизни гўллаб яшашда ёшларнинг хизмати беқиёс бўлсагина биз олдимизга қўйган мақсадга тўла эришувимиз мумкин. Бунинг учун Ватанин сидқидилдан севмоқ, унинг бойлигини кўз қорачигидек асраб-авайламоқ, она туғроқнинг ҳар бир мисқолини қадрлаб, ундан тўғри ва холис манфаатлар йўлида фойдаланмоқ ҳамма учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши керак.

Ривоят қилишларича, қадим замонларда ота-онасидан жуда ёш ажралган бир бола қаровисиз қолиб, ҳар кимларнинг хизматини қилиб кун кўрган. На ўқиб илм олиш ва на бирор хўнарни ўрганиш имконияти бўлмаган. Лекин у хўнарли бўлишни, саводли

ҳасис одам бой-бадавлат бўлади? Нега шундай экан? — деб сўрабди бой бир куни устахонага кираркан. Дарҳақиқат, инсоният тарихий тажрибасининг кўрсатишича, бирон-бир жамият маданий-маънавий, маърифий имкониятларини, одамлар онги ва қалбиди маънавий-ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ва мустақамламай туриб ўз истиқболини тасаввур этолмайди. Юксак маданият ва маънавият — маърифат ҳар қандай давлат ва жамият тараққиётининг асосий омилларидан биридир. Шу жиҳатдан олиб қараганда шахримизда халқимиз, айниқса ёшлар маънавияти ва маърифатини юксалтириш борасида «Маънавият ва маърифат» марказининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор бўлмоқда.

— Маънавият деганда аввало кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчаларининг мажмуи тушунилади, — дейди Тошкент шаҳар «Маънавият ва маърифат» марказининг бўлим бошлиғи Наима Файзиева. — Маънавият инсоннинг бутун умри давомида унинг кучига куч қўшишга, ақлдор ва заковати, дунёқарашини кенгайтириб, мустақамлашга хизмат қилади. Шунинг учун маданий-маънавий тараққиёт ва маърифий юксалиш бутун инсоният ҳаётида катта ўрин тутган ва устуворлик қилганидек, мустақил Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли учун ҳам муҳим ҳаётий заруриятдир. Мамлакатимизнинг келажақда буюк давлатга айланиши Юртбошимиз таъкидлаганларидек, тўрт асосий негизга — умминсоний қадриятларга содиқлик, халқимизнинг маънавий меросини ўрганиш ва ривожлантиришга, инсоннинг ўз имкониятларини эркин намойиш қилишига ҳамда ватанпарварликка асосланади. Буюк алломаларимиз ҳам ўзлари яшаган даврлардаги жамият тараққиётини юксалтириш учун маданий-маънавий омилларга алоҳида эътибор қаратганлар. Жумладан, кишиларни ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, миллатпарварлик, дўстлик, биродарлик, ҳалоллик, меҳр-мурувват руҳида тарбиялашга, уларда миллий ифтихор, бурч ва масъулият туйғусини кучайтиришга ҳаракат қилганлар. Шу боис марказимиз томонидан биз ҳам аждодларимиз аъналарини давом эттирган ҳолда халқимиз орасида маънавий-маърифий ишларни самарали олиб боришга ҳаракат қилмоқдамиз. Жумладан «Маънавият ва маърифат» марказининг шаҳар ва туман бўлимлари, «Маҳалла» жа-

— Ҳар хил ўй-хаёлга берилиб, қўлингни ишдан совитма, бола, ўйчи ўйига етунча тавақалчининг иши битибди, деганлари айни ҳақиқат. — Кўлим ишдан совимаиди, бой ота, — дебди йигит очикчасига. Сиз ўргатган хўнар туфайли илмли, оқ-қорани, яхши-ёмонни танийдиган бўлдим. Бу яхшилигинингизни унутмайман. Бу яхшилигинингизни қандай қилиб қайтарсан, деган бир андиша қийнайдимени.

— Э ўғлим, ҳали шунга ўйлаб, хаёлга гарқ бўлиб ўтирибсанми? Ҳар ким нимагаки эришса, ўз хулқу атворидан, дангаса, ё танбаллигидан бўлади. Сен ҳалол, ишчан, энцил-чаққон, илмга чанқоқ бўлганингдан шу даражага етишинг. Бу ерда менинг хиссам жуда оз. Борди-ю сен муттаҳам, ёлғончи, ишқмас, илму хўнарга бепарво бўлганингда менинг қўлимдан нима келарди? Ўйдан қўвиб солиш келарди, холос. Мендан қарздорлигинингиз айтиб хижолат қилма. Мана сен энди ҳам илм, ҳам хўнар эгаси бўлдинг. Энди унинг амалига киришгин, яъни ўзинг билганларингни фарзандларингга, ён атрофдаги талабгорларга ўргатгин. Ана шунда чинакам баркамол одам деган ном оласанки, бу ўзининг эмас, етти пуштинг шаънини шарафлайди. Машойихлар «илму хўнару амал» деб беркорга айтимаганлар. Мана шу уч муҳим нарсани омухта қилиб борсанг, иншооллох, ошингин олчи келгай. Кимки ўз киндик қони томган элини, ватанини жону дилдан севса, шу маконда униб-ўсган халқини ҳам худди шундай сева олишини, унга ҳар жиҳатдан ёрдам бера олишини ўзига шўр этсин. Халқи бою бадавлат элнинг ўзи бой, обрўйи, шаъни-шавкати улғу бўлади, болам, буни зинҳор-зинҳор фаромуш қилмаслик керак.

Ойша ТЎРАЕВА, профессор

Маънавият — ақл кўзгуси




“ОФАРИН” ТЕАТРИНИНГ ЯНГИ ДАСТУРИ

Истиқлол йилларида маънавиятимизнинг ажралмас қисми бўлган ракс санъатининг ҳам янгидан янги қирралари очилмоқда. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида ўзбек миллий рақслари билан танишган мутахассис мухлислар санъатимизнинг нечоғли кўп қиррали эканлиги тан бермоқдалар.

Заҳматқаш инсон, меҳир ташкилотчи Алия Шалхарованинг сайёҳаракатлари билан бутунлай янги йўналишдаги «Офарин» замонавий ракс театрининг ташкил этилганига умчалки узок вақт ўтмаган бўлса-да мунтазам изланишлар ва сайёҳаракатлар эвазига янги театр анча та-

лигидаги «Офарин» замонавий ракс театрининг ҳамкорликдаги «Куррай Замин учун алла» янги лойиҳаси илк бор саҳна юзаси кўрди. Кайд этиш ўринлики, хореограф Олимжон Бенназаров диний экстремизм ва зуравонликка қарши раддия билдирган ҳолда «Куррай Замин учун алла» номли замонавий балет яратди. У ўз лойиҳаси орқали Ислоннинг барча инсонларга муҳаббат ва ҳурмат, оқибат, кишиларни бирдамликка чақирувчи ҳақиқий қирраларини очиб беришга ҳаракат қилди. Бунда у фалсафий тарзда замонавий ва фольклор ракс элементларини ўзаро уйғунлаштирди. Ҳамкорликдаги янги лойиҳанинг биринчи қисмида «Куррай Замин учун алла» замонавий балетидан парчалар намойиш этилди. Саҳна асарини Т.Елумеева, А.Цой, В.Ми-



Янги нашрлар

ПОЙТАХТ ҲАҚИДА КИТОБ

Мустақиллик йилларида пойтахтимиз Тошкент ўзгача қиёфа касб этди, дунёнинг Рим, Париж, Вашингтон, Токио сингари шаҳарлари билан бўйлаша оладиган замонавий шаҳарга айланди. Айни пайтда, бир неча минг йиллик тарихга эга шаҳарнинг ўзига хослиги ҳам сақланиб турибди.

Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси Мустақиллигимизнинг азиз ва боқий байрамига тўхфа тарихида янги сайёҳлик мавсуми олдидан Абдулазиз Муҳаммадқаримовнинг «Tashkentnama. Illustrated historical-toponymic up to date guidebook» — беэақли тарихий-топонимик лавҳалар китобини инглиз тилида «Янги аср авлоди» нашриёт матбаа марказида 3000 нусхада чоп эттирди.

Мазкур китобда Тошкентнинг илк тарихи, барпо бўлиши, Темириўлар ҳукмронлигидаги, Кўкун хонлиги таркибидаги даврлари, чоризм исқанжасида бўлган даври ва XX асрдаги тарихи баён этилган. Шунингдек, Тошкент даҳалари, мавзелири, маҳаллалари, атамалари, кўча номлари, этимологиясининг қисқача тавсифи келтирилган. Китобда шунингдек, пойтахтимиздаги халқ амалий санъати, хўнармандчилиги, урф-одатлари тўғрисида сўз боради. Шаҳримиз меҳмонлари ундан пойтахтнинг эски ва янги ҳариталарини, меҳмонхоналар, тамаддиҳоналар, музейлар, кино-театрларнинг манзилларини, Тошкентдан бошқа тарихий шаҳарларга бориш йўлларини ва бу шаҳарлар ҳақидаги маълумотларни билиб олишлари мумкин. Китоб қадимий Тошкентнинг бетакор тарихий ва замонавий фотосуратлари билан безатилган.

БАРЧАГА ЗИЁ УЛАШАДИ

Одамлар орасида ҳаммага маълум гап юради. Ҳар бир кишининг жамиятда ўз ўрни бор. Ана шу кўпчиликнинг ичиди ўз ўрнини топиши айтинг. Катта бўладими, ё кичик, умримизнинг асосий қисми ишхоналарда ўтади.

Ходимлар бор, келишади, кетишади. Эл қатори ишлашади, эл қатори яшашади. Бундоқ қараганда, барчаси рисоладагидек. Лекин, қизиқ бир жой бор: уларнинг бор-йўқлиги атрофдагиларга у қадар қизиқ эмас — барибир. Уларга ҳам шундай. Кимнинг қандай дарди, ташвиши бор. Ким нимадандир қувонади, ишхонага гуркираб келади. Келса, кимдир хафа. Одамликимиз, одамийлигимиз ҳам шунда. Баъзилар шу қадар лоқайд, шу қадар беварқики, дунёни сув олса, тўпига чикмайди. Баъзиларнинг ўрни эса доим билиниб туради. Жамоа орасида унинг ўз ўрни бор-да, дейдиганлар бир нарсани назарда тутадилар. Агар ўша одамлар бир кун кўринмай қолишса, ҳаммаёқ хувиллаб қолади. Ана шундай ўз ўрнини топган одамларга ҳаваси келади кишининг.

80-чи йилларнинг бошида ишим юришиб қолди: бир вақтнинг ўзида икки жойда ишлаб бошладим. Бири республика радиоси бўлса, иккинчиси Ўзбекистон энергетика ва электрлаштириш вазирлигининг ахборот марказида муҳбир. Ҳар иккала ишхонам Хоразм кўчасида жойлашган. Ахборот марказига келиб-кейтиб юрар эканман, табиийки, у ердаги кутубхона назаримдан четда қолмасди. Кунда бўлмаса, кунора кириб, газета варақайман, янги китоблари назардан ўтказаман. Кутуб-

хона мудираси Санобар опа билан мазаза қилиб гаплашамиз. Ҳар бир гапини чертиб-чертиб юзингизга шартта-шартта айтидиган, қандайдир ўзига оҳанграбодек тортиб оладиган бу аёлни наинки мен жуда кўпчилик яхши кўради. Шу воқеаларга ҳам чорак аср бўлибди.

Аслида 17 яшарлигдаёқ шу кутубхонага ишга келган Санобар опанинг қариб 50 йиллик умри мазкур зиё максадида ўтди. Кичкинагина китоб жавонидан бошланган сайёҳаракатлар бугунги кунда соҳалардаги энг йилрик илмий-амалий, бадиий нашрлар йиғилган катта бир фундаментал кутубхонага айланди. Аслида Санобар опа бундай, Санобар опа ундай, деб мақтайверишимизнинг газетхонларга қизиги йўқ. Муҳими, орамизда ана шундай кўйди-пишди, яхшилигини, яхши гапини бировлардан аямайдиган самимий аёл бор. Мана шундай одамлар бор бўлсин дегимиз келади.

Азамат МАКСУДОВ
СУРАТДА: Санобар Рустамова (ўртада) шогирдлари — Умидахон ва Ларисахон билан.

Ошша даврасида

сўхбатлар

Ҳаётини воқеалар

ОҚ ЧОЙ БИЛАН ҚАНД...

Қимматчилик авжига чиққан йиллар уйимизга кутулмаганда келган меҳмонни кўришимиз билан биз болалар дўпини осмонга отиб роса кувонардик. Чунки, устига катта кўрпа ёпишган сандалдаги курсига дастурхон ёзилиб, ойимиз калитини доим нимчаларининг чўнтағида олиб йорадиган кутидан фақат меҳмонга аталган икки-уч хил мева-чева дастурхонга қўйиларди. Дунёни ютиб оборишга ҳам тайёр биз болалар дастурхондаги нарсалардан тотишни пайида бўлардик, ойимизнинг меҳмон олдида бизга қаттиқ гапирга олмай, мулоимлик билан "Боринлар, кўчага чиқиб ўйнаб келинлар" десалар ҳам меҳмонли уйдан эжлгимиз келмасди.

Бир куни ойимнинг сингиллари ўша ҳазилкаш Рихси холамига (ҳозир 90 ёшига қораллаб қолганлар) меҳмон бўлиб келдилар. Одатдагидек дастурхон ёзилди. Ойим шақирлаб қайнаб турган самовар ёнига қўйилган қосадаги эчки сутидан ёғоч қошиқда катта пиёлага бир ярим-икки қошиқ солиб, устига чой қўйиб холамага узатдилар. Бундай сутли чойни "оқ чой" деб атардик. Ойимнинг меҳмонга "Ол, Рихси, олиб ўтир" деган мулозматида кейин холам ликопчадан бир чакмоқ қандни олиб, оқ чойга ботириб ёя бошладилар. Шу пайт дастурхон атрофида ўтирган Обида буюм холамага бир нарсга демокчидай зимдан қараб қўйиларди. Бувимнинг бу сирли иккөөҳни ўз вақтида пайқаган холам атайлаб ниқонини қанда кўл чўздилар. Содда буюм тушмагур шунда меҳмонни ҳам юз-хотир қилмай нима дейдилар денг:

— Рихси... шу... оқ чой билан қанд унча келишмайди-да...!

Шу пайт ўзларини кулгидан аранг тутиб турган холам хандон ташлаб, кўзларидан ёш чиқариб, қотиб-қотиб қулдилар-да, бувимга қараб:

— Оббо куда холам тушмагурей! Шундай қилиб оқ чой билан қанд келишмайди денг. Қандни яхши курсам нима қилай. Мана, кўраси, ликопчада битта қанд қолмагунча ҳаммасини ейман, — дедилар бувимга, атайлаб "ўнакишиб".

Шу-шу бўлдию Рихси холам билан қачон дийдор кўришмайлик, бундан 50-60 йил аввал раҳматлик бувимнинг "Оқ чой билан қанд келишмайди" деган гапларини такрорлаб, юракдан мазага қилиб қулишиб оладиган бўлдик.

ЎРИНСИЗ САВОЛ

Ҳовлимизнинг гир атрофида олча экилган ади. Бу серхосил мева фарқ пишганида қизил ранг шайдоси, қушларнинг энг хушовоз ҳоҳини булбул эртаю кеч ҳовлимиздан нари кетмай хониш қиларди.

Укам Баҳодир билан иккимиз кун иссиғида қийнала-қийнала олча териб, ярим кун деганда иккита тоғорани аранг тўлдирдик-да, 10-трамвайда "Туркман бозори" га олиб бориб сотардик. Олчамиз харидоригир бўлганидан тезда тугардик.

Кунларнинг бирида дастурхонга ўралган бўш тоғорани кўтариб олиб трамвай бекати-гача пиёда юриб келаётган эдик. Ёнимда кетаётган Баҳодир "Қорини очди, перашка олиб беринг" деб қолди. Гапнинг очиги укамнинг бу таклифи менга ҳам ёқиб тушди. Йўл ёқасида сотилаётган перашкадан иккитасини олиб, бирини укамга бердим. Баҳодир қўлидаги перашкани энди битта тишлаб "Ичи нималик экан?" деганини билди, ё алҳазар, бир пайт нимадир шип этдию, унинг қўлидаги перашка бирдан йўқ бўлиб қолди?! Нима бўлганига тушуномай аланг-жаланг бўлиб турсам, энгид-яяри чиқиб кетган, пахтаси ўйнаб ётган, кир фуфайка, соқоллари ўсган, биздан олдинроқда букчайиброқ кетаётган девдай, бир қўсқи одамни йўловчилардан бири орқасига икки-уч мушт тушириб:

— Сенда бет борми ўзи? Шу гўдакларни қақшатиб, еб турганини оғзидан тортиб оласанми, ланъати? — деб бақириб уришаётганини кўриб қолдим. Демак, ўша йўловчидан калтак еган, очофат укамнинг қўлидаги перашкани бир ҳамла қилиб олиб, бир зумда тинчитган экан. Укам шўрлик перашкани ўрига олдириб нафақат ичи нималик, балки мазасини ҳам татишга улгурмай ўзи аламидан йиғламоқдан бери бўлиб кетяптию ўзим перашкани мазага қилиб еб олганим етмагандай, томдан тараша тушгандай қутилмаганда ундан:

— Баҳодир, перашканинг ичи нималик экан? — деб сўраганим ҳаммасидан ошиб тушди

Ака-ука иккимиз қаерда ва қачон бўлмасин перашкага қўзимиз тушди дегунча ўша бундан ярим аср олдин укамга берилган "Перашканинг ичи нималик экан?" деган ўринсиз саволни такрорлаб, сидқидилдан қулиш олаимиз.

Жаҳонгир ПИРМУҲАМЕДОВ
меҳнат фахрийси

Кайра

ТОНГДА САНО АЙТГАН ҚУШИМ...

Ҳар куни эрта саҳарлаб турар эканман, билмадим қайсидир бир қушнинг ёқимли сайраётганининг гувоҳи бўламан. Айнан ана шу кўш ҳар куни тонг саҳарда бир вақтда тинмай сайрайди. У Яратганга шундай ҳамду сано айтадики беихтиёр вужудинг, руҳинг борлиққа сингиб кетади.

У ёруғ тонгни қарши олар экан унинг жажжи вужудидан отилиб чиқаётган «сўзлар» балки бизнинг сажда қилиб Яратгандан сўраётган тинчлик-омонлигимиздир. Балки у жажжи вужуднинг саҳар туриб ўз парвардигорига, мовий осмонига, сарв дарахларига, турфа хил гиёҳларига, гул-чечакларига қилаётган саждаларидир.

Қушлар салтанати ўзларининг яратилиши билан само малаклари, само шохи-султонлари, само фаришталаридир. Уларга яратувчи она-табиат чексиз мовий самони бахшида қилган, яна уларнинг турларининг кўпчилиги, ташқи тузилишларининг бетакрор гўзаллиги асло бир-бирига ўшамаслиги, жозибадорлиги, ўта фусункорлиги, овозларининг ёқимли жарангдорлиги, сайрашларининг ҳам бетакрорлиги, хатти-харакатларининг ўта тезлиги, сезгирлиги билан ҳам ажралиб туради.

Булбулнинг эрта тонгда энди очилиб юзини шабона сувига чайган оқ, қизил, сариқ, пушти атиргуллар атрофида сайраб хониш қилиб борлиқни кўйга тўлдириши, бу унинг гулга ошиқлиги, девона бўлиши эмас, балки унинг вужуди Яратганнинг нақадар буюкчилигига ймон келтириб, бутун оламга омонлик тилаб қилаётган сажда саносидир. Калдирғочлар ҳам эрта баҳорда орзиқиб, бола очиб кўпайган хонадонларига учиб келиб, уяларини тозаллаб, виждолашиб, айланиб, шу хонадон эгаларига эзгу ниятлар ила қут-барак тилайди.

Само малаклари оппоқ турналар ҳам саф-саф тортиб қур-қулашиб магрибдан-машириққа, машриқдан-магрибга учиб ўтаётганлариди қўйлаб эмас, шу чексиз мовий осмонга сано айтиб ўчиб ўтадилар.

Қушлар олами она-табиатнинг ноёб жонзотларидир. Улар ҳақи бизлар пайқаб, илғай олмаган борлиқни, руҳий оламини кўксиларига жо қилган. Улар чексиз оламининг чексиз руҳиятлари билан илоҳий болганган.

Бугун ҳам эрта саҳар уйғондим. Менинг жажжи қушим аллақачон борлиқни кўйга тўлдириб ёруғ тонгни қарши олмақда. Мен ҳам юртимиз тинчлигининг абадий бўлиши, янги кун бизга мўл-қўлчилик олиб келишини, дастурхонларимиз тўкин-сочин бўлиши, маҳалларимиз обод — гулларга бурканиши, мовий осмонимизнинг бегубор бўлишини тиладим. Бобо Қуёш ҳам аста уйғониб бутун оламини ўзининг заррин нурларига тўлдириди.

Мунаввар тонгларинг муборак бўлсан, азиз замондош.

Марҳамат МАТВАФОЕВА

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўтганиб доно бўлув...

- Қалби пок ота — пок авлод асосчиси.
- Отанинг ўз уйига гамқурлиги деҳқоннинг ўз ерига ишлов бергани кабирид.
- Ерга қанча кўп ишлов берилса — ҳосил шунча кўп бўлади.

- Илму тавозе камтарлик билан вужудга келади.
- Отадаги фазилат унинг фарзандини элга машхур эта олмайди, боладаги фазилат эса отага шўхрат келтиради.

- Яхши либос хуснини оширса ҳам, ақлга зийнат бермайди.

- Ҳаёт: доно, иродали ва кучли кишиларга жаннат, худбин, қўрқоқ ва умидсиз кишига жаҳаннамдир.

- Бир донимдан дебди: — Сопол жоминг бутунлиги чертиб билингандек, одамга ҳам гапирган гапига қараб баҳо берилди.

- Ҳаёт дарсини ўқиб, олим бўлганда ҳам, яна бошқа билмаганларини сўраб ўрганиш донишмандлик белгисидир. Бу хусусда бир олим шундай деган экан: — Менинг билимим мукамал эмас, чунки ўз вақтида ўзимдан бир поғона паст одамларга савол беришга бўйин ёр бермади. Эндилликда истардимки, менинг шоғирдларим барча ноаниқ масалалар бўйича ўзларидан бир поғона паст одамларга мурожаат этишни айб деб билишмасин. Уларнинг билимлари ўшандагина мукамал бўлади.

Байт:

Кимки ўрганишни уят -ор демас, Сувдан дур топади, тошдан лаял олмос.

- Алишер Навоий айтди: — Тилинг билан кўнглингни бир тут, кўнгли билан тили бир киши айтган сўзла бут.

ҲИКОЯТ. Луқмони Ҳакими бир киши даргоҳида хизмат қилдирав ва ундаги илму хикмати гоҳи-гоҳида синаб кўрарди. Бир куни имтиҳон тарзида буюрибди:

— Аё Луқмон, менга бир қўйни сўйиб, энг яхши аъзосини олиб келгин.

— Бош устига, — дебди Луқмон ва қўйни сўйиб тили билан юрагини хожасига келтириб берибди.

Анча муддат ўтгандан кейин, хожа уни яна чақириб дебди:

— Аё Луқмон, бир қўйни сўйин-да, менга унинг энг ёмон аъзосини олиб келгин.

Луқмон қўйни сўйиб, яна тили билан юрагини кўтариб келибди. Хожа дебди:

— Бу нечук асрорки қўйнинг энг яхши аъзосини сўрасам ҳам, энг ёмонини сўрасам ҳам тил билан юрагини кўтариб келдинг?

Луқмон дебди:

— Аё хожа, агар пок бўлса, ҳеч нарса тил билан юракдан яхши эмас. Агар нопок бўлса ҳеч нарса улардан ёмонроқ эмас.

Байт:

Бу оламда кишиким пок қалбу соф ботиндир, Ҳамиша фикр кунжида қаноат бирла сокинди.

ТАФАККУР КАМОЛДИ

- Одам ўзига-ўзи хиёнат қилолмайди.
- Ҳақиқатда ҳам озгина ёлғон бор.
- Инсоннинг биринчи мажбурияти рост сўзлашдир.
- Ҳақиқат ҳеч қачон яширинмайди, шу боис кўп ҳолда бошида калтак синади.
- Таъма болалайидиган жой кўрқоклик, ё билимсизлик бор жойдир.
- Билингки, ҳеч ким текинга хушомад қилмайди.
- Ҳақиқат олдида шохлар ҳам қилишади.
- Хайрли ишнинг мағзи ширин бўлади.
- Ландовур одамдан мурувват қутиш, ёзда қор ёғишидек гап.
- Лайча ит ҳаловатингизни ҳар куни бузади.
- Қорани оқ қилиб бўлмайди, аммо оқни қора қилиш бир сониялик иш.
- Қўлидан яхшилик келмайдиганларни шоғирдликка олиш, анча йилни бесамара ўтказиш ва яхшиликка раҳна солишдир.
- Бўйи паст кимсаларга узоқни қўролмаясиз десангиз, хафа бўлишади. Ахир бу рост гап-ку!

Тўлқин ҚОЗҚОБОВ


Ёш вақтингизда

КРОССВОРА

Ёйлар бўйича: 1. Ойбекнинг мутафаккир шоир ҳақидаги романи. 2. Африка ва Арабистонда тарқалган тушмушги узун маймун. 3. Бир турдаги энергияни бошқа турдаги энергияга айлантирувчи ва фойдали иш бажарувчи механизм. 4. Тўплиц спорт ўйини. 5. Санъат, куй. 6. Углеводнинг яна бир номи. 7. Карвонни бошлаб борувчи. 8. Сопол буюм пишириш иншооти. 9. Сайроқи қуш. 10. Филнинг юмушни бажарувчи аъзоси. 11. Темирчиликда ишлатиладиган кундасимон мослама. 12. Қолип, андоза. 13. Қаттиқ қоғоз. 14. Иш унумдорлиги. 15. Ёпиқ бўшлиқ ҳолати. 16. Ҳажвий асар. 17. Сербар соябонли ёзлик шляпа. 18. Насриддин Афандига ҳайкал қўйилган шаҳар. 19. Ватанимиздаги ўтроқ қуш. 20. Ўзбек мумтоз шоираси. 21. Нўхотли таом. 22. Шудгорни текислашда ишлатиладиган асбоб. 23. Кўнгилочар ўйин. 24. Ўзбек ғазалнавис шоири. 25. Илм-фани мукамал эгаллаган билимдон. 26. Айрибошлаш ўрнига ўрин алмашиш. 27. Қуръони карим сураси. 28. Мадҳия мазмунидаги назмий асар.

МУАММОНОМА

Очқич сўзлар: 1. Ҳамид Олимжон шевъри, Юнус Ражабий мусикаси билан ижро этиладиган лирик ашула — 7, 12, 13, 10, 5, 13.
2. Ўзбекистон жанубидаги туман — 2, 1, 8, 3, 2.
3. Таомга ишлатиладиган натрий хлорид — 14, 13, 9.



4. От боқиладиган дуккакли ўсимлик — 4, 11, 6, 5.
Энди очқич сўзлари асосида шакл марказидаги рақамларда яширинган муаммонани ҳал этинг. Улардан халқимизга мансуб мақолни били оласиз.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ

ГАЗЕТАНИНГ ШУ ЙИЛ 25 АВГУСТ СЕНИДА БЕРИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: 1. Лалимикор. 4. Шанбалик. 9. Нота. 10. Улуш. 11. Космосдор. 14. Радон. 15. Архар. 16. Кашмири. 18. Крейсер. 19. Эчкмар. 23. Бинокор. 24. Селен. 25. Мопед. 29. Гипербола. 31. "Реал". 32. Азот. 33. Телескоп. 34. Пардевор.
БЎЙИГА: 1. Лонжерон. 2. Лото. 3. Китоб. 45. Нишон. 6. Кошгарий. 8. Деорама. 12. Контейнер. 13. Ирисметов. 16. Косиб. 17. Инкор. 20. Фосфорит. 21. Қоқиром. 22. Редуктор. 26. Минск. 27. Аллор. 28. Насл. 30. Азов.

ИСЛОҲОТ ВА АЁЛЛАР

Тошкент Давлат иқтисодий университетида «Ўзбекистон Республикасида ўтказилаётган ислохотларни амалга оширишда аёлларнинг ўрни ва роли» мавзuida семинар-йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбири Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорликда ташкил этди.

Семинарда сўзга чиққан мазкур олий ўқув юрти ректори, академик Саидхорр Фуломов, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Фариди Абдураҳимов ва, Республика «Оила» илмий-амалий маркази директори Василя Каримова ва бошқалар давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан мавқеини янада юксалтириш, уларни қўллаб-қувватлаш, оила, оналик ва болалик маффааларини ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Президентимизнинг 2004 йил 25 май куни қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ишларни янги поғонага кўтаришда муҳим омил бўлаётди.

Фармонни ҳаётга жорий этиш баробарида хотин-қизларимиз мамлакатимизни янада раванқ топтириш, модернизация ва ислоҳ этиш, жамиятни демократлаштириш ва янгилашда фаол иштирок этаётди. Бунинг учун барча имконият муҳайё. Бугунги кунда иқтисодийтимизнинг барча со-

ҳаларида, шунингдек, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият тармоқларида хотин-қизларнинг улуғлиги ортиб бораётгани ҳам шундан далolat беради.

Айни вақтда жойлардаги, хусусан, олий ўқув юрларидаги хотин-қизлар кўмиталари томонидан аёлларнинг ҳуқуқий, касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал савиясини янада юксалтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасидаги ишларни замон талаблари даражасига кўтариш муҳим аҳамият касб этади.

Семинар-йиғилишда таълим ва меҳнат бозори, аёлларнинг бандлик муаммолари, она ва бола саломатлигини сақлаш борасида тиббиёт тизимидаги ислохотлар, аёллар ҳуқуқларининг конституциявий кафолатлари каби мавзуларда маърузалар тинглан-ди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

Маълумки, ҳар йил сентябрь ойда БМТ Бош Ассамблеяси навбатдаги сессияси доирасида халқаро шартномаларга қўшилиш ва уларни ратификация қилиш маросими бўлиб ўтади. Бош Ассамблеянинг бу йилги 60-сессияси арафасида Бош котиб Кофи Аннани дунё мамлакатларини асосан инсон ҳуқуқлари, хавфсизлик ва тараққиёт масалаларини қамраб олувчи 32 та халқаро шартнома ва битимга қўшилиш ва уларни ратификация қилишга даъват этмоқда.

БМТ КУН ТАРТИБИДА ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР

Мазкур халқаро ҳужжатлар сирасида ядровий терроризм актларига, терроризмни маблағ билан таъминлашга, коррупцияга, халқаро уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича конвенциялар ва бошқа қатор шартномалар ўрин олган.

Хусусан, дунё мамлакатлари Ядровий терроризмга қарши кураш бўйича халқаро конвенцияни имзолаш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқдалар. БМТ Бош котибининг ҳуқуқий масалалар бўйича ўринбосари Н.Мишелнинг таъкидлашича, бу йилги анжуманда дунёнинг 63 мамлакати мазкур шартномани имзолашга тайёр эканини маълум қилган.

Ф.АРЗИЕВ
«Жаҳон» АА муҳбири
Нью-Йорк

Табиаат ажройиботлари

АНАКОНДА ОДАМГА ХУЖУМ ҚИЛАДИМИ?

Жанубий Американинг тропик ўрмонларида, Бразилия ва Перуда дунёда энг йирик илон — анаконда яшайди. Унинг узунлиги 7-8 метргача боради. Танаси йўғун ва тўмтоқ бўлади. Сув остида узок ўтади. Ўлжасини ҳам сувда ушлайди, бўғиб ўлдиргач, бутунлигича ютиб юборади. У чўчка ва бузоқ каби ҳайвонларни ҳам ютиши мумкин. 45 тагача тухум қўяди. Болалари тухумдан чиққан захотиёқ сувга тушиб кетади. Янги тутилган боласининг узунлиги 80 сантиметргача бўлади, тутқунликда 28 йилгача яшайди.

Анаконда илонининг ўлжам ҳақида матбуотда турли хил маълумотлар келтирилади. Баъзан бундай рақамлар бир-бирига зид бўлади. Масалая аниқлик киритиш мақсадида 1930 йил Нью-Йорк шаҳрининг экология жамияти томонидан эълон қилинган 1000 долларлик мукофот ханузгача эгасини топгани йўқ. Унда таъкидла-нишча, 12 метрдан узунроқ илон мавжудлигини исботлаган киши ана шу мукофотга сазовор бўларкан. Кейинчалик Американинг собиқ президенти Рузвельт

мазкур мукофот миқдорини беш минг долларга қўлай-тирди. Илон ўлчамини эса 9 метргача қисқартирди. Бугунги кунга келиб мазкур мукофот миқдори 50 минг доллар қилиб белгиланган, лекин шунга қарамастан бундай катталиқдаги илон топилгани йўқ.

Жанубий Америкада анаконданинг одамга ҳужум қилиши ҳақида ҳар хил хабарларни эшитиш мумкин. Одатда бундай ҳодисалар бўрттириб ҳикоя қилинади. Лекин ўртача катталиқдаги анаконда одамни бўғиб

ўлдирishi мумкин. Шунга айтиш кераки, 5-6 метр катталиқдаги илон одамни ўраб олган бўлса, кимнингдир ёрдамсиз уни ажратиб бўлмайдди, 3 метр 75 сантиметр узунлигидаги илон одамни бўғиб нобуд қилганлиги ҳақида Бутантан институту ва Сан-Пауло шаҳри миршабларининг расмий даъватномаси мавжуд. Шунингдек, 1949 йили Белград шаҳридаги цирк сахнасида илон ўргатувчи артистида 4 метрлик питон бўғиб ўлдирганлиги маълум. Америкалик бир оила

узок вақт давомида уйда Бирма питонини сақларди. Кунлардан бирида уй бекаси уйқудан уйғониб кўзини очса ўзини питон оғушида кўради. Уч метрлик питон аёлни том маънода халқа қилиб ўраб олган эди. Хотинни бундай хавфли ҳолатдан халос қилиш мақсадида эри қўлига пичоқ олганича илонга ташланади. Лекин илон халоскорни ҳам ўз домига тортиб ўраб олади. Эру хотинни бундай хавфли ҳолатдан қутқаришнинг бирдан-бир чораси — илонни бўғизлашдан иборат бўларди, холос. Ёрдам берувчи кичкинчи одам бўлмаганидан кейин илон оғушидан қандай қутулиши мумкин? Бунинг учун илон думининг учидан ушлаб орқага қайриш керак ёки ваннага кириб иссиқ сув (душ) тагида туриш керак. Ана шундай илон одамни тарк этади.

ЯХЁ ДАВЛАТОВ,
биология фанлари
доктори

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

О'ЗБЕКТЕЛЕКОМ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ "TOSHKENT SHANAR TELEFON TARGOM'I" FILIALI ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТЕЛЕФОНДАН МУЛОКОТ ҚУЛАЙЛИГИНИ ХИС ЭТАСИЗ ҚЎШИМЧА ХИЗМАТЛАР РЎХАТИ:

- Қисқача рақам териш
- Рақам термай улашиш
- Кириш кўнғироқларини вақтинча ман қилиш
- Кириш кўнғироқларини (АТС ичида) бошқа манзилга ўтказиш
- Кириш ва чиқиш алоқа кўнғироқларини вақтинча ман қилиш
- Янги кўнғироқлар ҳақида хабар бериш
- Бюртма бўйича абонентни улаш (уйғотиш, эслатиш)
- Кириш кўнғироқларини автоинформатор (автохабарчи) ёки топшириқлар бюросига узатиш
- Рақам термай такрорий кўнғироқ қилиш, абонентнинг талаби бўйича чақирувчи абонент телефон рақамини аниқлаш
- Конференс алоқа
- Чақирилаётган абонент банд бўлган ҳолларда кириш кўнғироқларини котибага ёки бошқа аппаратга юбориш
- Алоқа пайтида (сўзлашув даврида) маълумотлар аниқлаш
- Парол бўйича халқаро алоқа
- Авто улашиш (бир АТС ичида)
- Серияга кирувчи телефон рақамлари сонидан қатъи назар серияли қидирув ташкил этилганда кириш кўнғироқларини АТС ичида бошқа манзилга ўтказиш.

МАЪЛУМОТЛАР УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:

- Марказий телефон боғламаси — 134-24-25
- Миробод телефон боғламаси — 55-80-08; 55-06-41
- Чилонзор телефон боғламаси — 367-97-07
- Собир Раҳимов телефон боғламаси — 118-93-93; 29-88-45
- Мирзо Улугбек телефон боғламаси — 162-04-22; 169-00-05
- Янгиобод телефон боғламаси — 199-55-77; 97-28-89

О'ЗБЕКТЕЛЕКОМ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ "TOSHKENT SHANAR TELEFON TARGOM'I" FILIALI АНИҚЛИК ВА ХОЛИСЛИК

- **Энг аниқ вақт — 001 тариф — 20 сўм**
- **Об-ҳаво тўғрисида олдиндан энг холис маълумот — 004 тариф — 20 сўм**
- **Ташкилотлар телефонлари бўйича маълумотнома — 009 тариф — 25 сўм**
- **Хонадонлар телефонлари бўйича маълумотнома — 09 тариф — 25 сўм**
- **ТСНТ фаолияти тўғрисида барча маълумотлар — 064 — бепул**

Тошкент Ахборот технологиялари университети томонидан Бадалбоев Икром Собиржонович номига берилган, йўқолган талабалик гувоҳномаси қидирилмоқда. Агар гувоҳномага кўзингиз тушса, 341-49-79 телефонида кўнғироқ қилишингизни илтимос қиламиз.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

газеталари тахририяти
реклама агентларини
ишга қабул қилади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

Қаҳқаҳа

— Сизда қимматбаҳо буюмлар борми? — сўради тайёрагоҳ божхонаси ходими йўловчидан.

— Йўқ.

Текширилганда чўнтагидан бир халта марваридур чикди.

— Бу нима?

— Куш учун емиш.

— Куш учун?

— Албатта. Сотиб олдим у ҳайронман, уни ейишадими, йўқми.

Ичиб келган эр хотинига деди:

— Азизам, бир зўр нарса топиб келдим. Эрталаб айтаман.

Эрталаб хотини сабрсизлик билан сўради:

— Хўш, кеча нима топгандинг?

— Янги пивохона!..

— Хотининг билан ярашиб олганинг яхши бўлибди.

— Қаёқдан олдинг бу гапни?

— Биргалликда ўтин аралаётган экансизлар...

— Э-э, мебелни тенг бўлаётгандик.

— Катта бўлганимда ким бўлмоқчисан? — Боғча оласи Шухратдан сўради.

— Албатта, телефон станцияси бошлиғи-да.

— Нега?

— Дадамларга ўхшаб ўртоқларимнинг ҳаммасига телефон тушириб бераман.

Яна ҳар куни чойхонада мазза қилиб ош ейман-да.

— Дадаси, айтинг-чи, қайси ҳислатим сизга кўпроқ ёқади?

— Уйқуга эрта ётишинг, хотин.

— Нима учун?

— Чунки, ухлаб ётганимда сира пул сўрамайсан-да!

Кимё фани ўқитувчиси порохўрнинг ўғлидан сўради:

— Сен қайси рангни ёқтирасан?

— Кўк рангни.

— Нега энди?

— Чунки, дадам доим ойимга: "Кўқидан ўргилай, кўқидан, хотинжон", — дейдилар-да.

— Бугун кайфиятим жуда ёмон!

— Нимага?

— Хотиним, дугоналарим билан учрашганимизда қўлларини ўпиб сўрашинг, деганди.

— Бунинг ёмон жойи йўқку!

— Тўғрику-я! Лекин кеча кайфда дугоналаридан бирининг қўли қолиб, юзидан ўпиб олибман-да...

Спорт
ЖАҲОН
ЧЕМПИОНАТИГА
ТАЙЁРЛАНИШМОҚДА

Маълумки, шу йилнинг ноябрь ойида Хитой Халқ Республикасининг Пекин шаҳрида бокс бўйича жаҳон чемпионати турнири бўлиб ўтади.

Вьетнамда ўтказилган Осиё чемпионати ушбу масъулиятли мусобақа олдида чарм қўлқоп усталаримиз учун ўзига хос жиддий синов вазифини ўтади, десак янглишмаймиз. Ушбу чемпионатда турли сабабларга кўра имкониятлари даражасида иштирок эта олмаган юртдошларимиз учта кумуш ҳамда битта бронза нишон билан кифояландилар. Ҳасанбой Ҳайратов, Жасур Матчонов, Рустам Саидов ҳамда Шерзод Абдурахмоновлар ушбу медалларнинг соҳиблари бўлишди.

Ҳозирда баш мураббий Шароф Худойбердиев етакчилигида терма жамоамиз жаҳон чемпионатида жиддий ҳозирлик кўрмоқда. Тайёргарлик доирасида Жиззах ҳамда Тошкент вилоятидаги базаларда ўкув-масъқ йиғинлари ўтказилди.

Масъқлар натижасига кўра Тошкентда спарринг беллашувлари ўтказилиб, энг кучлилардан иборат терма жамоа таркиби сараланди.

Биз чарм қўлқоп усталаримизга жаҳон чемпионатида омад тилаймиз.

(Ўз мухбиримиз)

МУРОСАС
БЕЛЛАШУВЛАР

Футбол бўйича мамлакат XIV миллий чемпионати-нинг 18-тур беллашувлари мурасасиз кечганлигини кайд этиш лозим.

Ушбу турда турнир жадвалининг юқори поғонасида бораётган «Локомотив» жамоаси ўз майдонида олий лиганинг янги вакили «Тўпаланг»ни қабул қилди. Шунинг таъкидлаш лозимики, жорий йилги мавсумда ҳам ўзининг чиройли ўйинлари билан мухлисларини қувонтиратган «Локомотив» жамоасига ушбу турда омад кулиб боқмади. Кизиғи, ўз майдонида ҳаракат қилган пойтахтлик футболчилар ҳужумкор, комбинациялашган ўйин намойиш этишиб, меҳмонлар дарвозасини ишғол эта олишмади. Аксинча Востриков томонидан меҳмонлар дарвозасига киритилган ягона гол «Тўпаланг»га 1:0 ҳисобидаги муҳим галабани тухфа этди.

Шунингдек, 18-турда «Нефтчи» — «Бухоро» жамоалари ўртасидаги баҳс 4:2 ҳисобида майдон ағаларининг галабаси билан аяқланган бўлса, «Насаф» жамоаси «Навбахор»ни ўз майдонида 2:0 ҳисобида мағлубиятга учрата олди. Мамлакат XIV миллий чемпионатининг 19-тур учрашувлари 17 сентябрда бўлиб ўтади.

Акбар Йўлдошев

МАҲОРАТЛАРИНИ
ОШИРИБ БОРИШМОҚДА

Мамлакатимизда ногиронларнинг ҳам ҳар хил спорт турлари билан шуғулланган ҳолда мусобақаларда қатнашишлари, шу тахлит ўзларини жамиятнинг тўлақоли аъзолари сифатида ҳис этишлари учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Ногиронларнинг спорт клублари эса бу борада муҳим ўрин тутмоқда.

Жумладан, шаҳар болалар ва катталар ногиронлар спорт клуби — СКДИФ аъзолари ҳам катта хоҳиш билан турли спорт мусобақаларида иштирок этиб келишади. Сузиш, дартс, пауэрлифтинг, стол тенниси, шахмат-шашка, пневматик тўппончадан отиш каби спорт турлари билан клуб аъзолари айниқса фаол шуғулланишмоқда. Клубнинг асосий мақсади — ногиронларнинг ўз ҳасталиқларини унутишлари, ҳаётда фаол иштирок этиш, энг муҳими, ўз куч ва имко-

ниятларининг бошқаларникидан кам эмаслигига ишонч ҳосил қилишлари учун кўмаклашидир. Бундан ташқари спорт кишининг иродасини тоблайди, ҳар томонлама чиққиради. Бу борада эса ногиронларга заҳматқаш мураббий ва моҳир ташкилотчи Людмила Лопатко катта ёрдам бермоқда. Унинг саъй-ҳаракатлари билан ҳар ойда қизиқарли мусобақалар ўтқа-

зилиб турилади.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТДА: клуб аъзолари навбатдаги мусобақада иштирок этишмоқда. Александр Попов олган сурат



«02»: **ҲОДИСАЛАР**

● Миробод тумани ҳудудида ўтказилаётган «Тун» тадбири жараёнида йўловчи машиналардан бирига юк ортаётган шахс ички ишлар ходимларининг эътиборини тортиди. Аниқланишича, шахримизнинг Бешёғон даҳасида яшовчи Қ.Абдурахим исмли бу йигит ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, Мовароуннахр кўчасидаги 53-уйда жойлашган «Массон» кафесидан 10 дона пластмасса стол-стуллар, битта электродрель ва электрпайвандлаш аппаратурини ўғирлаб олиб кетаётган экан. Ҳозирда мазкур иш юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

● Сергели-8 мавзесида яшовчи Санжар деган йигит ҳам бировага тегишли мол-мулкни қўлга киритиш мақсадида худди шу тарзда қинғир режа тузди. У Сергели-7 мавзесида жойлашган 63-уйнинг 27-хонадониде истиқомат қилувчи таниши А.Пождаеваникига меҳмонга келиб, меҳмоннинг ухлаб қолганидан унумли фойдаланди. Яъни хона тўрида турган «SONY» русумли телевизорни ва 21000 сўм пулни ўғирлаб кет-

ди. Ҳозирда мазкур жиноий иш юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

● Мирзо Улуғбек тумани ИИБ навбатчилик қисмига Бехтерев кўчаси, 87-уйда истиқомат қилувчи фуқаро С.Кочетков томонидан шошилиш хабар келди. Унда маълум қилинишича, метронинг «Буюк Ипак йўли» бекати ёнида икки нафар номаълум шахс қутилмаганда, унинг қаршисидан чиқиб, пичоқ билан қўрқитиб, эғнидаги камзулни, нархи 60000 сўмлик уяли телефони ҳамда 20000 сўм пулни тортиб олиб, қочиб кетганлар. Воқеа содир этилган манзилга қисқа фурсатлар ичида етиб келган тезкор ходимларнинг саъй-ҳаракатлари боис жиноятчилар узоққа кетолмай қолдилар. Эғнида қолган, ушбу туманда яшовчи, бирон жойда ишламайдиган С.Денис ва ҳамтовоғи С.Станиславлар қилмишлари учун жавоб беришади.

Самариддин ҲАЛИЛОВ,
Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси ходими

ЯНГИ МАВСУМДА
ЯНГИ ПРЕМЬЕРА

Республикаимизнинг барча театрлари сингари Аббор Ҳидоятлов номидаги Ўзбек давлат драме театри ҳам ўзининг янги ўттинч саккизинчи мавсумини «Эскирган муҳаббат» номли спектаклнинг премьераси билан бошлади.

Чинакам муҳаббат, садоқат ва вафо туйғуларини тараннум этувчи мазкур спектакль режиссёр Баҳодир Йўлдошевнинг навбатдаги ижод намунаси бўлиб, унда воқеалар ривожини асосан ота ва фарзанд орасида кечади. Театр ижодкорлари ёзган таътил вақтида юртимизнинг Фарғона водийси ва Қашқадар вилоятига гастрол сафарларини уюштириб, турли жанрлардаги сахна асарларини томошабинларнинг эътиборига ҳавола этишди. Театр жамоаси навбатдаги гастрол сафарини Хоразм вилоятига уюштиришни режалаштирган.

Рустам ХАЙДАРОВ,
«Туркистон-пресс»



— Қовун-тарвуз сотган қани?

Абдурасул Ҳакимов чизган расм.

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълолар:
133-28-95, 136-57-65,
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажин — 2 босма таъриф офсет усулида босилади.
2496 нусxada босилади. Кегоз бирини А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-03 телефонига мурожаат қилинишига мумкин.
Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.